

O'ZBEKISTON

OYOZI IJTIMOIIY-SIYOSIY GAZETA



• 2006-yil • 15-avgust • Seshanba • 92 (27.584) • www.uzbekistonovoz.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqqa boshlagan

ОЗОД ЮРТ ИНШООТЛАРИ



«АММОФОС» ТАМФАСИ БИЛАН

Бугун Олмаликдаги «Аммофос» номи билан машхур корхона (собиқ кимё заводи) мустақиллик йилларида нафақат мамлакатимизда, балки қатор хорижий давлатларда ҳам донг таратди

Хар куни «Аммофос» тамғаси билан аммофос, аммоний-сульфатфосфат, супрефос, сульфат-аммоний, сульфат кислотаси, полиэтилен плёнкиси сингари минерал ўғитлар ҳамда кимёвий воситалар ортлган автомобиллар, темир йўл вагонлари карвонлари белгиланган манзиллар томон ошиқади. 2 минг 700 кишидан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган жамоа ишлаб чиқараётган 7

турдан зиёд минерал ўғит ҳамда халқ истеъмоли молларига талаб катта. Жамоада ўтган 2005 йилда 141,6 минг тонна аммоний-сульфатфосфат, 140,5 минг тонна супрефос, 34,2 минг тонна аммофос каби кишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган минерал ўғитлар тайёрланди. Биргина ўтган йили корхонада 55 миллиард 887 миллион сўмликдан зиёд маҳсулотлар ишлаб чиқарилиди. 5 миллион

122 минг АҚШ доллари қийматидаги супрефос ҳамда аммоний-сульфатфосфат сингари минерал ўғитлар Хитой, Тожикистон, Қирғизистон каби давлатларга экспорт қилинди. Жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида ҳам бу ерда 39 миллиард 59 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрланди. Бунинг ҳам 1 миллион 744 минг АҚШ доллари тенг қисми хорижга чиқарилиди.

— Корхонамиз фосфорли минерал ўғитлар ишлаб чиқарадиган йирик корхоналардан биридир, — дейди — **акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Баҳодир Содиков.** — Бундан ташқари корхонамиз «Супрефос» русумидаги мувофиқлаштирилган минерал ўғитлар ишлаб чиқариш бўйича Марказий Осиёда ягонадир. Қолаверса, мамлакатимиздаги қатор кимё корхоналарида тайёрланаётган фосфорли ўғитларнинг 85 фоизи ҳам биргина «Аммофос» корхонаси ҳиссасига тўри келади.

моқда. Илгарилари корхонамизнинг асосий хомашёси ҳисобланган — фосфат кукунни Қозғонистоннинг «Жанатас Каратау» қарьеридан катта валюта маблағларини сарфлаб олиб келинарди. Ҳолбуки, бу модда йил мобайнида 10 миллион АҚШ доллари-дан зиёдроқ маблағни талаб этарди.

Кўриб турганингиздек, акциядорлик жамиятида кишлоқ хўжалиги учун зарур минерал ўғитлар, қолаверса, турли халқ истеъмоли молларини кўплаб ишлаб чиқариш борасида талай муваффақиятларга эришилмоқда. Муваффақият эса куруқ рақамлар йиғиндиси эмас. У корхона ишчи-хизматчиларининг онгли меҳнати ва истикболни кўзлаб иш туташтирилган натижасидир.

Корхонада жорий йил охиригача 65 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Соҳибжон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: корхона ишчиларидан бир гуруҳи; цех бошлиғи Раҳмон Қодиров ҳамда ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Йулдош Шамсиевлар корхона цехларидан бирида; лаборатория ходимлари Гулнора Сентяброва ва Мавлуда Норматовалар маҳсулот сифатини назорат қилишяпти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

14 август кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни мамлакатимиз Президенти, Миллий хавфсизлик кенгаши раиси Ислам Каримов бошқарди.

Мажлисида минтақада ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашга, мамлакат хавфсизлигига таҳдид солувчи замонавий хавф-хатарларга қарши самарали курашишга оид долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Мажлисида 2005 йил 12-13 май кунлари Андижонда рўй берган фожияли воқеаларнинг тергов ва суд жараёнларининг яқунлари кўриб чиқилди. Республика маъмурий, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, прокуратура ва хавфсизлик хизматлари органларининг ушбу воқеалардан келиб чиқадиган аниқ вазифалари белгиланди.

Маъмурий, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, ҳарбийлашган тузилмалар ва жойлардаги давлат ҳокимияти органлари-

нинг мамлакат хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашнинг муҳим шартини бўлган республика ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши муаммоларини ҳал қилиш, уюшган жиноятчилик ва наркотрафика қарши кураш самардорлигини ошириш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш борасидаги вазифалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штабининг жанговар тайёргарлик режасига мувофиқ ўтказилаётган ва Қуролли Кучларнинг қўшилма ва қисмлари шахсий таркиби жанговар маҳоратини янада такомиллаштириш, бошқарув органлари ва қўшинларнинг жанговар тайёргарлигини оширишга қаратилган тезкор-тактик машқларнинг бориши ҳақидаги ахбороти тингланди.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди, тегишли вазирлик ва идораларга аниқ топшириқлар берилди. (ЎЗА)

Кавамура ХИРОЧИ, Япониядаги «ЈТВ» сайёҳлик фирмаси ходими:

• Эътироф

«ЎЗБЕКЛАР МЕҲНАТСЕВАР ХАЛҚ ЭКАН»



— Ўзбекистон ҳақида кўпгина маълумотларга эга бўлишимиз мумкин. Кўз билан кўрганга не етсин. Марказий Осиёдаги энг тинч ва барқарор ривожланаётган мамлакатингизга қадам босарканман,

Бир гуруҳ ҳамюртларим билан қадимий Ипак йўлида жойлашган Хива, Урганч, Бухоро, Самарқанд шаҳарларининг осори-атиқалари билан танишарканман аждодларингиз нақадар улғун инсонлар бўлганлигига ишонч ҳосил қилдим. Уларга бўлган ҳурматим янада ошди. Шарқ гавҳари деб эътироф этилган Бухорода тарихий ёдгорликлар асрлар оша буй-баста билан тургани мени ҳайратга солди. Бу эса халқингизни кўҳна шаҳарнинг бугунги ҳолати, истиқболи билан қизиқтиришдан дарак беради. Қадимий Лабивоз ансамбли, Масжиди Калон меъморий мажмуаси, Ситорани Моҳи Хосса, Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳи ободлиги ва ҳаммаи одамлар билан гавжумлигидан юртдошларингизнинг аждодлар меросига меҳр-муҳаббати нақадар юксаклигини билиш қийин эмас. Шу азиз юрда яшаётганлар ҳовлисида бешик тўйи, никоҳ маросимларида қатнашганимизда японларнинг ўзбекларга ўхшаш удулари бир-бирига ҳамоҳангли-

гини ҳис этдим. Бағрикенглик, муруват халқингизнинг ҳаёт мазмуни экан.

Яна бир жиҳат. Биз кўрган шаҳарлар аҳолиси ҳунарли, ўз юмуши билан банд экан.

Ҳа, ўтган ўн беш йилда эришган ютуқларингиз асрларга татийди десам муболаға бўлмайди. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик икки халқнинг бир-бирига яқинлашувида муҳим омили бўлаверди, деб ишонганман. Бу, айниқса, туризмнинг тобора ривожланиб бориши, халқ ташвиқи тизимидagi ҳамкорлик бераётган самараларда ўз аксини топаётгани кувончлидир. Юртимга қайтган бу жаннатмакон юрт, унинг меҳмондўст халқи ҳақида ҳаммага сўзлаб бераман ва уларни ҳам юртингизга келишга даъват қиламан. Тинч, мустақил, озод юрда бунёдкорлик бўлади, меҳмон учун мезонининг имкониятлари янада кенгайди, эзгу ниятлар эса рўйбага қиладди.

Баҳрон ДАВРОНОВ
Эътибор

• Бокс

АЗАМАТ – ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

Туркиянинг Истанбул шаҳрида бокс бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган икки нафар боксчимиз шоҳсупадан жой олди.

Мусобақада фарғоналик Азамат Абдуҳакимов олтин медаль ва жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди. Терма жамоамизнинг яна бир аъзоси, фарғоналик Зоҳиджон Султонов эса кумуш медалини қўлга киритди.

Зоҳир ТОШҲЎЖАЕВ,
ЎЗА мухбири

Мусобақада фарғоналик Азамат Абдуҳаки-



Дилшоҳ ЮСУПОВ (ЎЗА) олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 15 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қиймати қийматини белгилаяди.*

1 Австралия доллари	941,57
1 Англия фунт стерлинги	2323,73
1 Дания кронаси	209,71
1 БАА дирҳами	334,15
1 АҚШ доллари	1227,28
1 Инср фунти	213,77
1 Исландия кронаси	17,33
1 Канада доллари	1093,15
1 Хитой юани	153,64
1 Малайзия ринггити	333,27
1 Польша злотийси	406,10
1 СДР	1822,93
1 Туркия лираси	846,69
1 Швейцария франки	990,54
1 ЕВРО	1563,92
10 Жанубий Корея воени	12,71
10 Япония менаси	105,51
1 Россия рубли	45,81
1 Украина гривнаси	243,03

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъмур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олган.

• ЎзХДП ҳаёти

ОАВ БИЛАН ҲАМКОРЛИК

партиямиз гоғларини тарғиб қилишда, электротимиз манфаатларини ҳимоялашда ва жамиятимиз ривожига катта самара беради, — дейишди Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгашида бўлиб ўтган семинар иштирокчилари

«Ўзбекистон ХДП Кенгашлари ва Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларининг оммавий-ахборот воситалари билан ҳамкорлиги» мавзусида ўтган мазкур семинарни **Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши раиси Атаулла АСАНОВ** олиб борди.

— ...Партиямиз ўзини сўл сиёсий партия, деб эълон қилгандан сўнг бизга жуда кўплаб аҳоли муурожаат қила бошлади, — деди ўз сўзида кенгаш раиси. — Демак, бу — уларга айна маъкул тушган сиёсий йўналиш бўлдики, гоғларимиз, идеализмиз, мафкуравий принципларимиз ва дастурий йўналишларимиз билан қизиқмоқдалар. Улар орасида шифокорлар, ўқитувчилар, ҳарбий хизматчилар қатори меҳнатга қобилиятли ишсиз аҳоли вакил-

лари, ўқув юртларини тамомлаганларидан сўнг ишга жойлашолмай юрган ёшлар ва шунингдек, пенсионерлар, ногиронлар, кўп болали оилаларнинг аёллари каби ўз электротимизга мансуб фуқаролар бор. Бу — партиямиз гоғлари эндиликда одамлар кўнглига кириб бораётганидан, уларнинг бизга ишонаётганларидан далолат.

Буни ҳатто партиямиз нашрлари саҳифаларида чоп этилаётган қатор мақолалар, суҳбатлар ва хат-хабарларда ҳам кўришимиз мумкин. Уларда партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари вакиллари фаол қатнашмоқдалар.

Биз бундай фаолликни келгусида ҳам изчил давом эттириш тadbирларини кўрагимиз. Масалан, ҳудуддаги бошқа сиёсий партиялар вакиллари би-

лан нафақат партиямиз нашрлари, балки телерадио кўрсатувлари ва эшиттиришларида ҳам, ёки мустақил газеталар ҳамда журналлар саҳифаларида ҳам баҳслар, мунозаралар, дебатлар уюштириш режаларимиз бор. Чунки, сир эмас, кўпчилик халқ-хануз мамлакатимиздаги сиёсий партияларнинг гоғлари, шiorлари, идеали ва дастурий йўналишларига кўра, бир-бирларидан нималар билан фарқ қилишини у қадар чуқур тушуниб олганча йўқ. Жойлардаги кенгашларга ва улар қошидаги жамоатчилик қабулхоналари ҳамда депутатлик гуруҳларига муурожаат қилаётган фуқаролар сонининг ортиб бораётгани сабаби ҳам шунда аслида...

Демак, ўзХДПнинг дастурий максadлари ва гоғларини кенг халқ оммасига етказишда, аҳоли

ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришда партиямиз фаоллари ҳамда унинг нашрлари олдида халқ жуда катта ва айна пайтда жуда масъулиятли вазифалар турибди.

Санобар ХУЖАМУРАТОВА, Амударё туманидаги 33-ўрта умумтаълим мактаби директори, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси депутати:

— Газеталарда ижтимоий мавзуларда берилаётган мақолаларни аҳоли кўпроқ ўқийди. Чунки, айна шу мавзу партиямиз электротатини кўпроқ қизиқтиради. Жумладан, бозор ҳамда савдо дўконларидаги айрим маҳсулотлар нарх-навоси, газ, ичимлик суви, электр энергияси таъминотидаги камчиликлар ва уларнинг тўлов ҳақлари даражасининг ошииб бориши сабаб-

ларини одамлар ОАВ орқали билиб тургиси келяпти.

Зеро, улар даврий нашрларга обуна пайтда худди шундай муаммолар ёритилаётган ва уларнинг ечим ҳақида ёзилаётган материалларни кўпроқ чоп этган газеталар ҳамда журналларга обуна бўлмоқдалар...

Шу ўринда бир мулоҳазали жиҳатни айтиб ўтсам: обуна нархлари йил сайин қимматлашиб борапти... Баъзи кам таъминланган оилалар ҳам барча қатори газета ўқиб тургиси келади-ю, бироқ обуна баҳоси чўнтақларига мос тўшмаяпти. Эшиқларидан биронта газета ёки журнал кириб бормаётган хонадонлар борлигини яширишга не ҳождат?

2-бет

• Газетада босилмади, аммо...

ДАРВОЗА ОЧИЛДИ

Яқинда тахририятимизга Тошкентдаги «Чилонзор буюм бозори» ОАЖ ҳудудида тadbиркорлик билан шуғулланаётган бир гуруҳ фуқаролардан шикоят хати келганди. Унда «Чилонзор буюм бозори» ОАЖнинг 17-трамвай сўнгги бекати яқинидаги дарвозаси негадир ёпиб қўйилгани оқибатида бозорга келаётган харидорларга, шунингдек, тadbиркорларга ноқулайликлар туғдираётгани ёзилган.

Тахририят ходимлари ушбу шикоят юзасидан «Чилонзор буюм бозори» ОАЖга бориб, юзага келган вазиятни ўрганишди. Шикоятда келтирилган эътирозлар асосли экани маълум бўлди.

Тахририят ушбу масала бўйича «Тошбозортайёрловсавдо» акциядорлик жамиятлари уюшмасига муурожаат этди.

«Тошбозортайёрловсавдо» акциядорлик жамиятлари уюшмасидан жавоб келди: «Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси томонидан Сизнинг 2006 йил 9 августдаги 10-1-39-сонли йўлланмагизда кўрсатилган масала ўрганиб чиқилганлигини ва ўрганиш натижасида ҳамда «Чилонзор буюм бозори» ОАЖнинг 2006 йил 4 августдаги 334-сонли хатига биноан аризада кўрсатилган бозорга кириш дарвозаси бозор ҳудудида ноқонуний савдога қарши курашиш, контрабанда моллари бозорга кириб келишининг олдини олиш борасида профилактика тadbирлари ўтказилганлиги сабабли вақтинча беркитилганлиги ва ҳозирги кунда бу дарвоза бошқа дарвозалар қаторида хар куни соат 8.00 дан 18.00 гача ишлаётганлигини маълум қиламиз.

Ушма бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари **Р.ИНОҒОМОВ**.

O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK

SIZNING MANFAATINGIZ — BIZNING MAJBURIYATIMIZ!

Tel.: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05, факс: 133-34-26
www.uzpsb.uz e-mail: info@uzpsb.uz

Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI

MULKDORGA HAMKOR!

Tel.: 132-25-51, 133-46-61, факс: 133-20-74
E-mail: info@tshbmb.uz va Birja@mail.tps.uz

Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!

«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГIZ КАЛИТИДИР

Хизматлар лицензияланган

